*Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен*

# ХАБАР

XABAR

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 2000 йил, 9 июнь, жума № 22 (405) Сотувда нархи эркин



**Италиянинг «Итальтель» фирмаси билан ҳамкорликда Тошкентда қурилган 170-АТС.**
***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат***

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси радиохизматлари томонидан фойдаланиладиган 29,7-960 МГц радиочастоталар полосасида радиочастотавий ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида ўзаро битим имзоланди.

Мазкур битимни Ўзбекистон томонидан Республика почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори, Радиочастоталар давлат қўмитаси раиси Ф. С. Абдуллаев, Қирғизистон томонидан Қирғизистон Миллий Алоқа агентлиги директори А. В. Титов имзолашди.

Ушбу маросимда Радиочастоталар давлат қўмитаси раиси ўринбосари К. Коновалов, агентликнинг Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Х. Каримов, Электромагнит Мослашув Маркази бошлиғи Р. Мансуров, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан Р. Исаев ва Қирғизистон Республикаси Миллий Алоқа агентлиги директори ўринбосари Б. Нурматовлар иштирок этишди.

***ЎЗ МУХБИРИМИЗ***

*● Қорақалпоғистондан дараклар*

### ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг навбатдаги мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ў. Тажесенов маъруза қилди. Маърузачи эришилган ютуқлар, республика телекоммуникация тармоғини келгусида ривожлантириш билан боғлиқ ишлар ҳақида гапирди. Шунингдек, у дебитор қарздорлик ҳақида алоҳида тўхталиб, бу қарздорликни тезда бартараф этиш чора-тадбирларини айтиб ўтди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг транспорт ва алоқа бўлими мудири А. Худойбергенов, «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Э. Аллаевлар ҳам сўзга чиқишди.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

### ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишлаб Нукус шаҳар электралоқа боғламасида алоқачиларнинг 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган фарзандлари ўртасида расмлар танлови бўлиб ўтди.

Танлов ҳайъати Наргиза Жиемуратованинг (11 ёш) «Жаҳон болалари дўстлиги» ва Улдаулат Мамбетмуратованинг (6 ёш) «Менинг уйим» номли расмларини ғолиб деб топди.

Танловнинг барча иштирокчиларига Нукус шаҳар электралоқа боғламаси касаба уюшмаси тайёрлаган эсдалик совғалари топширилди. Ғолибларга ҳам махсус совғалар берилди.

Нукус шаҳар электралоқа боғламаси ишчи-ходимларининг 75 нафар фарзандлари шаҳардаги Ёш томошабинлар театрига тушишди. Бу ерда уларга атаб болалар спектакли намойиш қилинди.

***Қуанышбой ТОЛЕГЕНОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

## «АЛОҚАБАНК»ДА ЙИҒИЛИШ

Ихтисослашган алоқа тижорат «Алоқабанк» акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори, мазкур банк Кенгаши раиси Ф. С. Абдуллаев бошқарди.

Йиғилишда «Алоқабанк» бошқаруви раиси К. А. Ким «Алоқабанк»нинг 1999 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисида» маъруза қилди. Ўтган йил «Алоқабанк» учун муҳим ва муваффақиятли йил бўлди. Банк юқори молиявий кўрсаткичларга эришди. Жумладан, ҳисобот даврида банкнинг Низом жамғармаси 4,4 маротабага кўпайди ва жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 1100 миллион сўмни ташкил этди. Даромад эса 639,2 миллион сўмдан иборат бўлди. Соф фойда ўтган йилга нисбатан 1,76 маротабага ўсди ва бу кўрсаткич 147,3 миллион сўмни ташкил этди. Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда хусусий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам бирмунча ишлар бажарилди.

Шунга қарамай, банк филиаллари тармоқларини кенгайтириш, почта-банк марказларини ташкил қилиш, хорижий сармояларни жалб қилиш каби вазифалар тўлиқ бажарилмай қолди. Шунинг учун ҳам жорий йилда Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Бухоро вилоятларида «Алоқабанк» филиалларини очиш, Тошкент шаҳрида почта-банк муассасалар тармоғини тузиш, алоқа қўшма корхоналари ва бошқа соҳаларга ҳам банк хизматларини кўрсатиш каби муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш сўнггида барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***А. АБДУРАҲМОНОВ***

*● Таҳририятга мактуб*

## МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Ассалому алайкум, таҳририят ижодкорлари!

Мен Камолиддин Қамбаридинов 1965 йил, 3 апрелда Андижон вилоятининг Булоқбоши қишлоғида туғилганман. Меҳнат фаолиятимни 1979 йили алоқа соҳасида оддий хабарчи вазифасидан бошладим. Қатор йиллар давомида почта кузатувчиси, оператор, меъёрловчи, иқтисодчи, ҳисобчи-тафтишчи, туман почта алоқа шаҳобчаси директори ўринбосари вазифаларида ишлаб келдим.

Шу давр ичида Тошкент Алоқа коллежининг «Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш» бўлимини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда битирдим. Ҳозирги кунда «Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамиятида режа ва иқтисод бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келяпман. Барча мухлислар қатори мен ҳам ўз тармоқ газетамиз бўлган «Хабар»ни мунтазам ўқиб бораман. Унинг саҳифаларидан алоқа соҳасида олиб борилаётганислоҳотлар ҳамда эришилган ютуқ ва камчиликларимиз тўғрисидаги мақолаларни ўқиб, дунёқарашимизни янада кенгайтириб боряпмиз.

Шу ўринда ўзимнинг айрим таклифларимни ҳам билдирмоқчиман.

1. Газетада «Мутахассис жавоб беради» рукни ташкил этилса. Унда алоқа тизимида (хусусан почта алоқаси тизимида) солиққа тортиш, меҳнат қонунлари ва. бошқа қонунларга мутахассислар шарҳи бериб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

2. Соҳада узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган ишчилар, мутахассислар, тажрибали ҳисобчилар ва иқтисодчиларнинг чиқишлари ташкил этилса. Уларнинг илғор иш услублари кенг ёритиб борилса, соҳа ривожига катта ҳисса бўлиб қўшиларди.

3. Дам олиш саҳифасида машҳур санъаткорлар, спорт юлдузлари, ёзувчи, шоирлар ҳақида қизиқарли мақолаю суҳбатларни ўқишни истар эдим.

***Камолиддин***
***ҚАМБАРИДДИНОВ,***
***Андижон шаҳри***

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**«ХАБАР» газетасига 2000 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда:**

**Нашр кўрсаткичи:**

**Якка тартибдаги обуначилар учун 227.**

**Ташкилот ва корхоналар учун 228.**

**Ҳар ҳафтанинг муборак жума куни «Хабар»ни олишга шошилинг!**

# МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР

Давлат Алоқа инспекциясининг (ДАИ) меъёрий ҳужжатлар бўлими корхонанинг асосий ва меъёрий иш юритувчи бўғини ҳисобланади. Бўлим почта ва телекоммуникация соҳасига оид техникавий-меъёрий ҳужжатларни қонунчилик асосида кўриб чиқиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини бериш билан бирга, қайта ишлаш, ишлаб чиқиш, техник меъёрларга мосликни ҳамда текширув далолатномаларининг намунавий нусхаларини белгиланган тартибда тузади. Бўлим ва таркибий бўлинмаларни амалга киритилган зарурий ҳужжатлар билан узлуксиз таъминлайди. Бўлимнинг жорий йилдан бошлаб то ҳозиргача бажарган иш натижалари сарҳисоб қилинадиган бўлса «2000 йилда Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати бўйича Давлат Алоқа инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш режалари»да белгиланган иш ҳажмларининг бажарилишига эришилаётир. Ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун тақдим этилган меъёрий ҳужжатлар лойиҳасига фикр-мулоҳазалар, ёзишмалар ва юқори турувчи органларга таклиф, маълумот, ахборотларни тайёрлаш ҳамда фирмали бланклар, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни кўпайтириб, ишда раҳбарлик ва қўллаш учун ДАИ таркибий бўлинмалари эътиборига етказишни таъминлаш бўйича ишлар имконият доирасида амалга оширилмоқда ва назоратдаги ҳужжатларни ўз муддатида ижро этишга ҳаракат қилинаётир. Лекин ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Масалан, инспекция фаолиятига доир агентлик ва унинг корхоналари томонидан юборилиши лозим бўлган буйруқлар, меъёрий ҳужжатлар ва далолатлар айрим ходимларнинг совуққонлиги туфайли бизнинг корхонага ўз вақтида етиб келмаяпти. Натижада бу ҳол самарали иш юритишимизга халақит бериб, ортиқча ташвишларни юзага келтирмоқда.

Аслида давлат идорасига даставвал буйруқ ва ҳужжат ижросини бажариш ҳамда назорат қилиш учун унинг биринчи нусхаси берилиши керак.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўпгина меъёрий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг фармойишлари ва буйруқлари акционерлик компаниялари томонидан алоқа корхоналарига (масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Агентликнинг 1998 йилдаги 168, 180-сонли буйруқлари, ҳатто раҳбарлик ҳужжатларини амалга киритиш тўғрисидаги буйруқлар ва ҳужжатларнинг ўзи жойларда ҳанузгача йўқ) ўз вақтида етказилмаяпти. Инспекциянинг таркибий бўлинмалари томонидан вилоятлар, туманлардаги корхоналар, қўшма корхоналар ва боғламаларда раҳбарлик ҳужжатларини амалга киритиш тўғрисидаги буйруқлар, меъёрий ва қонунчилик далолатномалари ҳамда зарур ҳужжатлар билан лозим даражада таъминланмаётганлиги текширув вақтида аниқланмоқда. Ўша корхоналар нималарга ва қайси қонун ёки меъёрий ҳужжатларга асосланиб иш юритаётгани ажабланарлидир. Бу эса ҳали ҳам эскича фикрлаётган, ишда янгилик яратишга интилмаётган, боқимандалик кайфиятидан ҳамон қутулолмаётган раҳбарлар борлигидан далолатдир.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ) ўзи ишлаб чиқаётган янги меъёрий ҳужжатлар, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ҳамда бекор қилинган бошқа зарур ҳужжатларни махсус рукн остида «ХАБАР» газетаси саҳифаларида ҳам имкон қадар бериб боришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Агар почта ва телекоммуникация соҳасидаги акционерлик компаниялари, ҳиссадорлик жамиятлари, корхоналар ва қўшма корхоналарнинг ўзида юқоридан қуйигача зарур даражада меъёрий ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлашнинг иложи бўлмаса, бу зарур ҳужжатларни республика ҳудудларидаги қуйи корхоналарга етадиган миқдорини зудлик билан марказлаштирилган ҳолда етказиб беришни ФТМТМ қошидаги ахборот-таҳлил гуруҳига ёки унинг нашр билан шуғулланувчи бўлимига юклаш керак. Чунки, давлат тилида соҳага доир тарифлар, йўриқномалар, низомлар, сифат кўрсаткичлари, иш юритиш қоғозларини тўлдиришнинг намунавий китобчаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бежирим, қаттиқ муқовада чоп этиш долзарб масаладир. Шунинг учун соҳанинг манфаатдор корхоналари ўзларига тегишли меъёрий ва зарур ҳужжатларнинг мавжуд бўлишига тўла-тўкис эришмоғи лозим.

Манфаатдор ташкилотлар билан бу борада ҳамкорликни йўлга қўйиш керак. Почта ва телекоммуникация тармоғи тадбиркорликдан унумли фойдаланиб, ички имкониятларни ишга солиб, янада жадал ҳаракат қилса, сифатли хизмат кўрсатувчи сердаромад соҳага айланади.

***М. СОЛОМИНА,***
***Давлат Алоқа инспекцияси меъёрий ҳужжатлар бўлими бошлиғи,***
***Э. МАТҚУРБОНОВ,***
***шу бўлим ходими***

## ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН 2000 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДА БЕРИЛГАН ЛИЦЕНЗИЯЛАР РЎЙХАТИ

| № | Лицензия эгаси | Лицензия берилган сана | Рт сериядаги лицензия рақами |
|---|---|---|---|
| **№** | **Теледастурлар тарқатишни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш** | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | «Бахтиёр Шахбоз» ишлаб чиқариш фирмаси | 1.04.2000й. | 0000106 |
| 2 | «Мулоқот» кабелли ва эфирли тижорат телестудияси | 1.04.2000й. | 0000109 |
| 3 | «Қалдирғоч» телестудияси | 1.04.2000й. | 0000108 |
| 4 | «Марғилон» телевидениеси | 1.04.2000й. | 0000110 |
| 5 | «Шарқ телевидениеси» ёпиқ акциядорлик жамияти | 1.04.2000й. | 0000112 |
| 6 | Навоий тоғ-металлургия комбинати | 1.04.2000й. | 0000111 |
| 7 | «Бағдод» телестудияси | 1.04.2000й. | 0000114 |
| 8 | «Бекобод ойнаи жаҳони» телевидениеси | 1.04.2000й. | 0000113 |
| 9 | Қарши шаҳар телевидениеси | 1.04.2000й. | 0000115 |
| 10 | «Ишонч-ТВ» телестудияси | 1.04.2000й. | 0000116 |
| 11 | Тўрткўл телевидениеси T. T. V. | 1.04.2000й. | 0000117 |
| 12 | «Адолат-ТВ телевидениеси | 1.04.2000й. | 0000118 |
| 13 | «Нур» телестудияси | 1.04.2000й. | 0000119 |
| 14 | Навоий телевидениеси | 1.04.2000й. | 0000120 |
| 15 | Шаҳрисабз телевидениеси | 1.04.2000й. | 0000121 |
| 16 | «TV-Inform» хусусий фирмаси | 1.04.2000й. | 0000124 |
| 17 | «GLOBALNET» масъулияти чекланган жамияти | 1.04.2000й. | 0000125 |
| 18 | «MASTER-PRESS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси | 1.04.2000й. | 0000126 |
| 19 | «TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOG'I» масъулияти чекланган жамият | 1.04.2000й. | 0000127 |
| 20 | «Симус» масъулияти чекланган жамият | 1.04.2000й. | 0000128 |
| 21 | «ККАМ» «Компьютер ва коммуникация ахборот маркази» масъулияти чекланган жамият | 1.04.2000й. | 0000129 |
| 22 | «RIM-NIHOL» ёпиқ акциядорлик жамияти | 1.04.2000й. | 0000130 |
| 23 | «Ишонч-бизнес маркази» масъулияти чекланган жамият | 1.04.2000й. | 0000131 |
| 24 | «Bio Com» масъулияти чекланган жамият | 1.04.2000й. | 0000132 |
| **№** | **Радиодастурлар тарқатишни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш** | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | «Эдельвейс Али» хусусий фирмаси | 1.04.2000й. | 0000105 |
| 2 | «Рубикон Радио Системс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси | 1.04.2000й. | 0000107 |
| 3 | «САМАРҚАНД-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси | 1.04.2000й. | 0000122 |
| **№** | **Телерадиодастурлар тарқатишни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш** | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси | 1.04.2000й. | 0000123 |
| **№** | **Умумий фойдаланишдаги шахсий радиочақирув тармоғини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш** | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | «OLPLASTOSIYO» ишлаб чиқариш корхонаси | 20.04.2000й. | 0000133 |

## МУСОБАҚАЛАР АВЖИГА ЧИҚДИ

Тошкентда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг кубоги учун Республикамиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган мини футбол бўйича Тошкент шаҳар алоқа корхоналари ўртасидаги турнирнинг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди.

Биринчи ўйинларнинг А-гуруҳида «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» командаси «Республика телевидение узатиш маркази» жамоасини 11:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, пешқадам бўлиб олди. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲЖ командаси «Электромагнит мослашув маркази» командасини 2:0 ҳисобида енгиб, Б-гуруҳида пешқадамликни қўлга киритди. Навбатдаги ўйинлар 9–10 июнь кунлари А-гуруҳида ДАИ — «Ўзбекистон почтаси» ДАК, ДФЕХ – ТЭАИ, Б-гуруҳида ЎзПТА – ШАТҲИЧБ, Алоқа коллежи – «Алоқабанк» командалари ўртасида бўлиб ўтади.

**А–ГУРУҲИ**

| т/р | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т–Н | Б | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | ФТМТМ | 1 | 1 | – | – | 11–3 | +8 | 2 |
| 2. | «Ўзбекистон почтаси» ДАК | 1 | 1 | – | 1 | 3-0 | +3 | 2 |
| 3. | ДФЕХ | 1 | 1 | – | – | 3-2 | +1 | 2 |
| 4. | ТЭАИ | 1 | 1 | – | – | 0-3 | -3 | 0 |
| 5. | МТУ | 1 | – | – | 1 | 2-3 | -1 | 0 |
| 6. | РТУМ | 1 | – | – | 1 | 3–11 | -8 | 0 |
| 7. | РТИБ | | | | | | | |
| 8. | ДАИ | | | | | | | |

**Б–ГУРУҲИ**

| т/р | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т–Н | Б | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «ТШТТ» ҲЖ | 1 | 1 | – | – | 2-0 | +2 | 2 |
| 2. | «Алоқабанк» | 1 | 1 | – | – | 4-3 | +1 | 2 |
| 3. | «Ўздунробита» ҚК | 1 | 1 | – | – | 2-1 | +1 | 2 |
| 4. | ЎзПТА | 1 | – | – | 1 | 3-4 | –1 | 0 |
| 5. | Алоқа коллежи | 1 | – | – | 1 | 1–2 | –1 | 0 |
| 6. | ЭММM | 1 | – | – | 1 | 0-2 | -2 | 0 |
| 7. | ШАТҲИЧБ | | | | | | | |
| 8. | МАТБ | | | | | | | |

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***Ҳурматли Шариф ХУДОЙБЕРДИЕВ!***

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, алоқа соҳасидаги ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз. Оилангиз, фарзандларингиз, ёру-дўстларингиз даврасида доимо шоду хуррам юринг. Омад Сизга ҳамиша ёр бўлсин.

***Бухоро вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси***

Марка йиғишнинг ҳам ўз тарихи бор. Дастлабки почта маркаси 1840 йили Англияда чиқарилган. Кейинчалик бошқа давлатларга ҳам урф бўла бошлайди.

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

## ДАВЛАТЛАРНИНГ ЧАҚИРУВ ЁРЛИҒИ

Турли-туман маркаларнинг чиқиши у билан қизиқувчиларни, тўпловчиларни пайдо қилди. Уларни 1864 йилдан бошлаб филателистлар деб атай бошлашди. Бу грекча сўз бўлиб, почта тўлов белгиларини севувчилар деган маънони англатади. Шундай қилиб, бу сўз халқаро маъно касб этди.

Бинобарин, филателия – почта тўловлари белгилари: маркалар, хатжилдлар, оддий ва календарь (тақвим) ҳамда юбилей ойнахатларини йиғиш ва уларни ўрганишдан иборат. Марка мактубни бир жойдан иккинчи жойга элтишга кетадиган сарф ва харажатлар баҳоси.


## ЭЪЛОН!

«Камалак–ТВ» қўшма корхонаси савдо агентларини ишга қабул қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 109-уй.

Маълумот учун телефонлар: 137-63-14, 137-63-16.

# «МЕН ҲАЁТДА ФАТХУЛЛА ЭМАСМАН»

**— дейди Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ.**

***Ҳамза театрида етук актёрлар фаолият кўрсатишган. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳонов. Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Театрнинг бугунги актёрлари орасида ҳам маълум ва машҳур санъаткорлар бор.***

***Ана шундай таниқли актёрлардан бири Ёқуб Аҳмедовдир. У яратган образларни барчамиз севиб томоша қилганмиз. Ёқуб ака ижро этган роллар табиийлиги, кишини ўзига тортиши билан ажралиб туради. Шу боис мухлислари кўп. Ҳаётда очиққўнгил, самимий инсон бўлган санъаткорни оҳиста суҳбатга чорлайман:***

— Ёқуб ака, актёрликка қандай қизиқиб қолгансиз?

— Бизнинг оиламизда санъаткорлар йўқ. Катта бир оиладан санъат соҳасига қадам қўйган фақат мен бўламан. Қизиқишимга келсак, болалигимда роллар ижро этишга уринганман. 1949 йили 3-синфда ўқир эдим. Ўшанда Навоий номли Наманган вилоят театрида «Ғунчалар» деган пьеса қўйилди. Пьесада болаларнинг оммавий саҳнага чиқиши бор экан, бир гуруҳ бўлиб рол ўйнаганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Ундан ташқари, биз яшаган маҳаллада Ўзбекистон халқ артисти Муҳриддин Мансуров деган санъаткор ҳам истиқомат қилардилар. У киши 7-8 болани ҳар куни театрга олиб борардилар. Ана шулар сабабли, 1956 йили ўрта мактабни битирдиму тўғри Тошкентга келиб, театр ва рассомлик институтида ўқий бошладим.

— Талабалик даврингиз қандай кечди?

— Ўқишга киргач, актёрнинг саҳнада рол ижро этиши, ўзини турли вазиятларда қандай тутиши, томошабинга таъсир этиши ва ҳоказолар ҳақида маърузалар тинглай бошладик. Ўша йилларнинг унутилмас томони шундаки, мен талабалик чоғимда шоир Фурқат образини яратганман.

— Сиз 40 йилдан буён жуда кўп роллар ижро этиб келмоқдасиз? Айтингчи, уларнинг саноғи нечтага етди?

— Ижро этган ролларимни илгари ёзиб берардим. Кейинчалик сон эмас, сифат муҳимлигини англадим.

Тахминан айтадиган бўлсам, овоз берган ролларим 1000 дан зиёд, кинода эса 50 дан ортиқ образ яратганман.

— Образларингиздан қайси бирини алоҳида меҳр билан ижро этганман деб ўйлайсиз?

— Ролнинг қанчалик яхши чиққанлигини айтиш, албатта, томошабиннинг иши. Ўзимга ёққанларини санайдиган бўлсам, Бобур, Навоий, Беруний, Фурқат, Отелло, Элёр образларини қайд қилишим мумкин.



— Кечирасизу, айрим Сизни танимаганлар Ёқуб ака ҳаётда ҳам «Фатхулла»дек важоҳатлими деб сўрашади.

— Энди унчалик эмасдир. Кўпчилик мени Ёқуб ака баджаҳл, у кишига гапириб бўлмайди, доимо хўмрайиб юради, дейишади. Лекин таниш-билишларим, айниқса театр жамоаси мени яхши билишади. Ташқи кўринишимга келсак, худо бир берган важоҳат!

— Сиз айни пайтда театр жамоасига раҳбарсиз. Бу ижодий фаолиятингизда халақит бермайдими?

— Тўғрисини айтсам, халақит беради. Кўпинча турли тадбирларга тайёргарлик, ташкилий ишлар вақтимни олади.

Шунга қарамасдан барча ишни бажаришга ҳаракат қиляпман, жамоа яхши. Зўр актёрларимиз бор. Жамоа менга театр раҳбарлигини ишониб топширган. Мен актёр сифатида ҳам раҳбар сифатида ҳам театримиз жамоасидан мамнунман.

— Устоз сифатида шогирдларингизга қандай гапингиз бор?

— Яширишнинг ҳожати йўқ, театр соҳасида ўқиб, бошқа ишга ўтиб кетганлар кўп. Шунинг учун мени ўзларига устоз деб билган шогирдларим касбига ҳеч қачон хиёнат қилишмасин. Шундагина ҳақиқий санъаткор бўлиб етишишлари мумкин.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Фарзандларимдан тўнғичи Фурқат Аҳмедов шоир, Фурқат ролини ижро этган йилим туғилган. Уни кўпчилик мухлисларимиз билсалар керак. «Чархпалак» видеофильмида Қамариддин (Фатхулланинг ёрдамчиси) ролини ижро этган. Гарчи бошқа соҳада ишласа-да, фильмларда қатнашиб туради.

Бир қизим институтнинг 2-курс талабаси. Кичик ўғлимиз мактабда 10-синфни тугатиш арафасида.

— Газетхонларимизга тилакларингиз?

— Энг аввало соғ бўлишсин. Бизнинг эзгу ишларимиз фақат мухлисларимиз учун. Санъатни севишсин. Театрга келиб туришсин. Мен уларга доимо яхшилик истайман.

***Шуҳрат ИСМОИЛОВ***
***суҳбатлашди***

## ҲИКМАТЛАР

*Ҳар нарсада камол бўлсин намоён.*

**М. Ю. ЛЕРМОНТОВ**

*Ҳаргиз ўз сўзингдан қайтгувчи бўлма.*

* * *

*Мард бўларман десанг, мардга ҳамроҳ бўл.*

* * *

*Мард йигитнинг иши суҳбат — соз бўлар,*
*Кўнгли қиш бўлмайин, доим ёз бўлар.*

**МАХТУМҚУЛИ**

*Гуноҳсиз киши сўзга ботир бўлур.*

**Саъдий ШЕРОЗИЙ**

*Ваъдага вафо марднинг иши,*
*Ваъдасиз — субутсиз киши.*

* * *

*Ботирдан яхши иш қолар,*
*Донодан — яхши сўз.*

* * *

*Овчининг зўри шер отар,*
*Йигитнинг зўри ер очар.*

* * *

*Эрман ёғочининг эгилгани — сингани,*
*Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.*

* * *

*Ўзингни эр билсанг,*
*Ўзгани шер бил.*

**ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИ**

## ОЛДИ-СОТДИ ОДОБИ

Агар сендан олди-сотди тартиби қандай бўлади, деб сўрасалар, шундай жавоб бер:

Аввало: харидорга яхши муомалада бўлиш.

Иккинчи: у қайси маҳалладан бўлишидан қатъий назар, қаттиққўллик қилмаслик.

Учинчи: сотаётган молини ҳаддан ортиқ мақтамаслик.

Тўртинчи: айбли ва нуқсонли нарсаларни сотмаслик, сотган тақдирда ҳам олувчига нуқсонини айтиб қўйиш.

Бешинчи: тарозида тортиш ва газда ўлчашда харидорни алдамаслик.

Олтинчи: сотган нарсасини харидор қайтариб олиб келса ва у зарарланмаган бўлса, пулини қайтариб бериш.

Еттинчи: нотаниш киши пулсиз бўлса-ю, бирон нарсани насияга беришни сўраса, хасислик қилмай сотиш.

Саккизинчи: қимматфуруш бўлмасликка интилиш.

Агар харид қилиш одоби қандай, деб сўрасалар айт:

Аввало: ҳалол пулга мол харид қилиш.

Иккинчи: алдамаслик.

Учинчи: бозордаги ўртача нархдан пастга сотиб олмаслик.

Тўртинчи: сотувчига қаттиқ гапирмаслик.

Бешинчи: сотувчига нархни талашиб-тортишиб озор бермаслик.

Олтинчи: сотиб олган нарсасидан кўпроқ эҳсон бериш.

Еттинчи: сотиб олган нарсасини қайтариб олиб келмаслик.

Саккизинчи: харид қилган нарсасини этакка солмаслик ёки енг ичига тиқмаслик.

## ХАНДАЛАР

Эр-хотин тўрт боласи билан саёҳатга чиқмоқчи бўлиб машина тўхтатишди ва ҳайдовчидан қанчага олиб бориб қўйишини сўрашди.

— Икковингизга 50 минг лира, болаларингиз учун пул олмайман.

— Ундай бўлса, болалар машинага чиқинглар. Биз ойингиз билан секин айланиб борамиз.

* * *

— Нега унга турмушга чиқишни хоҳламаяпсан? — дебди ота қизига.

— Ахир куёвнинг бошида битта ҳам туки йўқ-ку.

— Сартарошга кетадиган пулларни ҳам ҳисобга олгин-да.

* * *

— Биродар, қимматчиликни қара!

— Нима ҳақида гапиряпсан?

— Бензиннинг нархи жуда ошиб кетибди-да.

— Машинанг борми?

— Қаёқда, зажигалкам бор.

## • Бу — қизиқ

### ЭНГ УЗУН ПОВЕСТЬ

Бу асар 1957 йили 82 ёшида вафот этган Адели Гаррисон номли аёл қаламига мансубдир. «Хотинимнинг васиятлари» деб аталувчи бу асар Америкада ҳафтада чиқадиган газеталарнинг бирида 41 йил мобайнида эълон қилинган.

### ЭНГ ЙИРИК МУСИҚА АСАРИ

Америкалик композитор Самюэль Дюн хор учун энг йирик мусиқа асари яратган. Унинг ораторияси етти минг кишига — беш минг ижрочига ва икки минг музикачига мўлжалланганди. 1957 йили яратилган бу антиқа асар бугунги кунгача бирор марта ижро этилмаган. Чунки уни ижро этувчи ансамбль ташкил этишнинг имконияти йўқ.

### ЭНГ КАТТА ФОТОАППАРАТ

1900 йили Америка Қўшма Штатларида дунёда энг катта — «Мамонт» номли фотоаппарат ишлаб чиқарилди. 625 килограммли бу гигант фотоаппаратга 15 киши хизмат кўрсатарди. Фақатгина негативининг ойнали пластинкаси 225 кг. оғирликда эди. Битта суратни ишлаш учун эса 40 кг. кимёвий дори сарф бўларди.

***Д. ТОШКЕНБОЕВА***
***тайёрлаган***

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-542.
7127 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Босишга топширилди — 19.00*
*Босишга топшириш вақти— 18.00*

123456

